



ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАРМОҚЛАРИ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев озиқ-овқат тармоқларини қўллаб-қувватлашга қаратилган таклифлар тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг мўл ва арзон бўлишини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Фермер ва тадбиркорларга яратилган имкониятлар натижасида маҳсулот етиштириш ҳажми ортмоқда. Хусусан, 2022 йилда чорвачиликда 1 минг 400 та лойиҳа амалга оширилиб, қорамоллар сони 14 миллион, қўй-эчкилар сони 24 миллион бошга етган. Паррандачилик ҳўжаликлари сони 1 минг 300 тани ташкил этиб, тухум етиштириш 4 фоиз, гўшт етиштириш 28 фоизга ошган. Балиқчилик йўналишида 290 та лойиҳа амалга оширилиб, 502 минг тонна гўшт, 27 минг тонна асал етиштирилган.

Шу билан бирга, бу тармоқларда озуқа ва ер етишмаслиги, айланма маблағлар билан боғлиқ бир қанча муаммолар бор. Шу боис соҳа вакилларининг фикрлари ўрганилиб, таклифлар ишлаб чиқилди.

Йиғилишда мутасаддилар мазкур тармоқларда жорий йилга мўлжалланган чора-тадбирлар ҳақида ахборот берди.

Хусусан, Халқаро қишлоқ ҳўжалиги тараққиёти жамғармасининг грант маблағлари ҳисобидан ҳудудларда сут йиғиш марказлари ташкил этилади. Уларга камида 100 та аҳоли хонадонни бириктирилиб, кооператив тизим йўлга қўйилади.

Кластерлар томонидан 64 та чорвачилик комплекси барпо этилади. Жаҳон банкининг маблағлари жалб қилиниб, чорва молларини идентификация қилиш тадбирлари бошланади.

Паррандачилик ҳўжаликларига озуқа ва айланма маблағлар учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан

35 миллион доллар йўналтирилади. Мазкур кредитлар самарадорлигини "Паррандасаноат" уюшмаси кузатиб боради. Насли жўжалар импортини қўллаб-қувватлаш учун субсидия миқдори оширилади.

Буларнинг натижасида парранда гўшти етиштириш ҳажмини йилга 800 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда.

Балиқчилик учун ҳам бир қатор қўшимча имкониятлар белгиланмоқда. Хусусан, бундан буён табиий сув ҳавзаларини ижарага бериш онлайн аукцион орқали бўлади. Тармоқда 241 та, жумладан, қреветкани саноат усулида етиштириш лойиҳаси амалга оширилади. "Ҳар бир оила - тадбиркор" давлат дастури доирасида балиқчилик лойиҳалари учун 50 миллион сўмгача гаровсиз кредитлар ажратилади.

Буларнинг эвазига жорий йилда 850 минг тонна балиқ етиштириш мумкинлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари табиий қўللар ва дарёлларда балиқ овлаш билан чекланиб қолмасдан, уларнинг бўйида маҳаллий ва хорижий туристларни жалб қиладиган экотуризм масканлари барпо этиш зарурлигини таъкидлади.

Қишлоқ ҳўжалиги экинларини асалари билан чанглашиш қўламини ошириш вазифаси қўйилди. 50 минг гектар боғ ва 200 минг гектар дала четларида асалари уяларини жойлаштириш, қўшимча шароитлар яратиш, аҳолини асарларичиликка жалб этиш чоралари белгиланди.

Президентимиз бу тизимларни такомиллаштириш юзасидан қўшимча кўрсатмалар берди.

Ў.А.

18 АПРЕЛЬ

УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КўРСАТИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ



Батир ЗАКИРОВ, Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги вазири.

Мақсадимиз – халқимизни муносиб турмуш шароити билан таъминлаш

Бугун юртимизда инсонпарварлик ғоясини амалга ошириш масаласи ҳар қачонгиданда долзарб аҳамият касб этмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад, ҳар бир юртдошимизнинг бугунги кундан розилигини таъминлаш, уларнинг бекаму кўст яшаши учун барча қўлай шароитларни яратиш беришдан иборат. Бу борада коммунал соҳа вакилларининг аҳолига кўрсатаётган хизматларини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Хабарингиз бор, Президентимизнинг 2022 йил 21 декабрдаги "Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-269-сонли Фармонида асосан Қурилиш ҳамда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирликлари бирлаштирилиб, Қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги вазирлиги ташкил этилди.

Коммунал соҳадаги муаммо ва камчиликлар бир кунда ёки бир йилда бар-тароф этиладиган масала эмаслигини бу соҳа вакиллари яхши билишади. Айниқса,

ўтган қиш мавсуми барча учун синовли келди. Бунда, коммунал соҳа ходимларининг меҳнатқашлиги, касбига фидойилиги, сабри ва малакаси яққол намоён бўлди. Аномал совуқ ҳаво шароитида барча ишчилар, раҳбардан тортиб то оддий ходимгача туну-кун тинмай ишлаганига ҳар биримиз гувоҳ бўлдик. Совуқ, ёгин-сочин ва ҳар қандай ноқулай вазият соҳа вакилларини ўз ишидан чалғитолмади. Айна уларнинг фидокорлиги туфайли халқимиз кишининг бу синовли кунларидан эсон-омон ўтиб олди.

Ҳозирги кунда барча соҳада бўлгани каби уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ўтган 2022 йилда соҳага оид 2 та қонун ҳужжати, шунингдек, Президентимиз ҳамда Ҳукуматимизнинг бир қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Хусусан, 2022 йилнинг 22 июлида "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган бўлса, май ва август ойларига Ўзбекистон Республикаси Президенти-

нинг "Аҳолининг ичимлик суви таъминоти ва оқова суви хизматлари билан таъминланганлик даражасини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва "Қўп квартиралли уйларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ва бошқаруви ташкилотларни молиявий соғломлаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинди.

▶ 3-бет

Халқаро экспертлар референдумга тайёргарлик жараёнлари билан танишди

Муҳтарам КОМИЛОВА, Ў.А. муҳбири.

Марказий сайлов комиссияси томонидан "Ўзбекистонда референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Давра суҳбатида МСК раиси Зайниддин Низомқўжаев Марказий сайлов комиссияси томонидан референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ҳақида халқаро экспертлар ҳам-жамиятига маълумот берди.

Жумладан, раис парламент палаталарининг биргаликдаги ваколатларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига мувофиқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати ўз ялпи мажлисларида "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича референдум ўтказиш тўғрисидаги масалани кўриб чиққани ва Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича референдум ўтказиш санаси 2023 йил 30 апрелга белгиланганини таъкидлади.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси раиси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва "Ўзбекистон

Республикасининг референдуми тўғрисида"ги қонунга мувофиқ референдумни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишлар Марказий сайлов комиссиясига юрланганини алоҳида таъкидлади. Айни пайтда МСК томонидан мазкур йўналишда амалга оширилаётган бошқичма-бошқич жараёнлар ҳақида иштирокчиларни таништириб ўтди.

Давра суҳбатида сайлов жараёнида рақамли технологиялардан фойдаланиш, сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш масалалари бўйича ҳам маълумотлар берилди. Шу билан бирга, референдум ўтказиш бўйича 14-Тошкент шаҳар ва 8-Сирдарё округ комиссиялари раисларининг референдум ўтказувчи округ комиссиялари фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги маълумотлари тингланди.

Ўз навбатида, хорижлик экспертлар ҳам алоқаларни янада мустақкамлаш, сайлов соҳасидаги халқаро, амалий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича ўз фикр ва тавсияларини билдирди.

ФАРМОН ВА ИЖРО



ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТЛАР аҳоли фаровонлигига хизмат қилади

2023 йил 13 апрелда Президентимизнинг "2023 йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Мазкур фармонда жисмоний шахсларга ипотека беришнинг замонавий ва барқарор тизимини шакллантириш, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларни давлат томонидан манзилли қўллаб-қувватлаш, маҳаллий ва халқаро капитал бозорларида молиявий ресурсларни жалб қилиш ва кейинчалик уларни ипотека кредитларини қайта молиялаштиришга йўналтириш назарда тутилади. Ушбу ҳужжатда кўзда тутилган янгиликлар ва меъёрлар хусусида суҳбатлашиш мақсадида биз Қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи Жаҳонгир АНВАРОВга мурожаат қилдик.

▶ 2-бет

ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТЛАР аҳоли фаровонлигига ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

– Ипотека бозоридagi мавжуд вазият, умуман аҳолини уй-жойга бўлган талаби бугунги кунда қандай?

– Бугунги кунга келиб қурилиш жараёнлари республика миқёсида жуда ривожланиб бормоқда. Айниқса, бу аҳоли учун уй-жойларни қуришда яққол кўриниб турибди. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, бугунги кунга келиб мамлакатимиз бўйича жами 326 мингдан ортиқ кўп қаватли уй-жойлар қад ростлаган бўлса, биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 90 мингта уйлар қурилиб, аҳоли учун фойдаланишга топширилди.

Албатта, қурилиш ишларининг сифатини ошириш, уй-жойлар нархини арзонлаштириш, уларни аҳолига қулай ва мақбул нархларда топшириш жараёнларида аввало, қурилиш ишларида ишлатилаётган материалларнинг ўрни муҳим. Бу борада қурилиш материалларини маҳаллийлаштириш муваффақиятли амалга ошириб боришмоқда. Биргина мисол, 2017 йилда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳажми 3,8 трлн сўмини ташкил қилган бўлса, бугунги кунга келиб бу рақамлар 4 баробарга ошди. Яъни, бу рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, республикада тадбиркорларимизга қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда давлатнинг томонидан катта эътибор қаратилмоқда.

Ушбу жараёнларни хатловдан ўтказиб, Президентимизнинг тегишли Фармони ва ҳукумат қарорлари асосида шу кунга қадар қурилган кўп қаватли уй-жойлар ва аҳолини уй-жойга бўлган талабини атрофича ўрганиб чиққан ҳолда, Давлатимиз раҳбари томонидан яна бир муҳим “2023 йилда бозор таъминоти асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони имзоланди. Мазкур ҳужжат билан аҳолига уй-жойларни қуришни 1,5 баробарга оширган ҳолда ушбу йилда 90 мингта уйлар қуриш белгилаб берилди.

Албатта, Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ тасдиқланган дастурга кўра, бугунги кунга қадар юртимизнинг барча ҳудудларида жами 29 та “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилган бўлиб, янги имзоланган фармонга кўра ушбу массивларни яна 9 тага оширган ҳолда жами 38 та “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилиши белгилаб олинди. Шу билан биргаллик ҳусусий сектор, яъни пудрат ташкилотлари томонидан уй-жойлар қурилишига ҳам катта эътибор қаратилади. Бошқа давлат дастурлари асосида 8 мингта ҳусусий пудрат ташкилотлари томонидан 51 мингта уй-жойлар қурилиши белгиланди.

9 та “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш учун 140 гектарга яқин қишлоқ ҳўжалиги ерларининг тоифалари ўзгартирилди ва ушбу ерларда аҳоли учун уй-жойлар қурилиши режалаштирилди. Албатта, ушбу ерларни тартибга солиш учун ҳам қўшимча талаблар илгари сурилди. Массивларни қуришда барча томонлар ҳисобга олинди. Яъни, аҳоли учун нафақат уй-жойлар қуриш, балки ушбу массивларда қўшимча равишда ижтимоий соҳа объектлари, таълим ва мактабгача таълим ташкилотлари, аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши учун турли кўнглиночар объектлар қурилиши белгилаб олинди.

Массивлар учун ер участкаларини танлаш жараёнида яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратилдики, аҳолининг ўз уйидан ишончасига бориб қатнаши учун қулай бўлиши мақсадида иш ўринлари мавжуд бўлган, шунингдек, йўл инфратузилмаси, муҳандислик тизимлари барқарор бўлган ҳудудлар танлаб олинди. Бундан кўзланган мақсад эса битта – аҳолига зарур инфратузилмани, яъни аҳоли учун қатор қулайликларни яратишдир.

Давлатимиз раҳбари томонидан яна бир муҳим масала юзасидан ташаббус илгари сурилди. Эски, собиқ иттифок даврида қурилган, хозирги кунда аҳолининг яшаш учун талабга мўтлақо жавоб бермайдиган уй-жойларни қайта қуриш мақсадида “Реновация тўғрисида”ги Қонун ишлаб чиқиш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар масъулларига топширилган берилди. Мазкур лойиҳани ишлаб чиқишда ҳар томонлама вазият ўрганилиб, ҳудудларни шаҳарсозлик ривожланиш ҳолатлари эътиборга олинди, дастурлар амалга оширилди. Ўз навбатида, ушбу қонун доирасида ҳукуматнинг тегишли қарорлари ишлаб чиқилди.

– Фармонда белгиланган нормаларга тўхталадиган бўлсак, тан олиш лозим, кейинги йилларда Ўзбекистонда аҳоли сони сезиларли равишда қўндайиб бормоқда. Шунга монанд уй-жойга бўлган эътибор ҳам ортиб борапти.

Амалдаги тартибга кўра, уй-жойни Ипотека кредити асосида олоқчи бўлган фуқаро расмий даромад манбаига эга бўлиши керак эди. Норасмий секторда ишлаётганларга бундай ипотека кредити олишда бир қатор қийинчилик ва тўсиқлар мавжуд эди. Эндиликда ушбу фармон билан шундай тўсиқларга барҳам берилди. Яъни, фармонга кўра, банкларга ипотека кредитлари расмий даромадга эга бўлмаган жисмоний шахсларга ҳам ажратишга рухсат этилди. Ҳозирги ипотека бозорига аҳолига бу нима беради?

– Ўрганишлар шуни кўрсатадики, аҳолини уй-жойга талаби юқори бўлган қатлами давлат идораларида расман ишлаш имконияти йўқ инсонлар. Уларнинг эътиёжлари ўрганилиб, имкониятлари кўриб чиқилган ҳолда тўланган коммунал тўловлари, пластик карталаридаги маблағлари ҳисоб-китоб қилинган тарзда, давлат ташкилотиде расман ишлаганга, тўлов қобилияти юқори бўлгани ҳисобга олинган ҳолда, унга кредит ажратиш ва субсидиялар бериш тизимини жорий қилиш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, фуқароларнинг тўлов қобилиятига қараб табақалаштириш. Яъни, фармон билан банкларга табақалаштирилган кредит линияларини йўлга қўйиш ваколати берилди. Бу дегани, аҳоли кредитнинг бошланғич бадалини кўп миқдорда тўлай олма, шунча миқдорда фоиз тўловиде имтиёзлар берилди, яъни фоизлар пайсий боради. Бу ҳам албатта фуқароларимизга катта қулайликларни яратди.

Шунингдек, фармонга асосан қурилиш ташкилотларига ҳам катта имкониятлар берилди. Амалдаги қонунчиликка кўра, қурилиш ташкилотларининг маблағи етарли бўлмаса, гаровга нарса қўйиб кредит олоқчи бўлса, албатта ушбу объектни қуриб битказиб, фойдаланишга қабул қилингандан кейин, яъни, мулк шакллантирилгандан сўнг гаровга қўйиш мумкин эди. Бу эса тадбиркор қурувчиларимизга бир қатор қийинчиликлар, объектни сифатли ва ўз вақтида топширилишига тўсиқликларни юзага келтиради. Шуларни инобатга олиб, қурилиш ташкилотларига ўзи қураётган уй-жойнинг ҳар бир қаватини гаровга қўйиб, кредит маблағларини олган ҳолда ушбу қурилиш ишларини давом эттириш имкониятлари яратилди. Мазкур янги тартиб қурилаётган бинонинг сифатли ва ўз вақтида белгиланган муддатда аҳолига топшириш имкониятини беради. Чунки, маблағи бўлмаган, тадбиркор имкон қадар тезроқ қарз ҳавола қилишга мажбур бўларди. Бу эса объектнинг муддати ва сифатига салбий таъсир кўрсатарди. Булардан ташқари, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва хориж давлатларидан ҳам бундай материалларни олиб қилишида бир қатор имтиёзлар яратиб берилди. Улардан бири юқори маркали цемент, ёғоч, фанера, ромлар, тахтадан ясалган опалубкаларга 2025 йил 1 январга қадар импорт қилишда божхона божларини “ноль” қийматда қўлланилиши Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган фармон билан белгилаб берилди. Ушбу жиҳат эса аҳолига тақдим этилаётган уй-жойларнинг нархи бирмунча арзон бўлишига олиб келади.

– Бу каби имтиёзлар ипотека бозорига қандай таъсир кўрсатади ва бу ижтимоий ўзгаришларни аҳоли ўз ҳаётида қачон сезади?

– Қурилиш жараёнини амалга ошириш унинг таннархи, ишчи кучи, қурилиш материалларининг нархи ва қурувчининг сарфлаган бошқа харажатларини инобатга олган ҳолда белгиланади. Божхона тўловлари юқори бўлганда ўз-ўзидан қурилиш материалларининг нархи ва ишчи кучи нархи ҳам катта таъсир кўрсатади. Шунингдек, Ўзбекистон бозорига рақобатбардор қурилиш материалларининг кириб келишига ҳам кенг йўл очиб беради. Шу ўринда ўзимизнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарга ҳам сифатли материалларни ишлаб чиқишда рақобатбардорлигини оширишлари ҳамин яратди. Албатта, бу қурилиш материалларининг нархини янада арзон бўлишига олиб келади. Чунки, хориждан кириб келаётган қурилиш материаллари маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимиздан янада сифатли маҳсулотлар тақдим этишлари ҳамин яратди.

Албатта, бу каби ишлар аҳолини сифатли ва арзон бўлган уй-жойлар билан таъминлашга, ипотека бозорини ривожлантиришга олиб келади. Яқин келажакда аҳолига тақдим этиладиган уй-жойларнинг харид қилишда юртдошларимиз буларни ҳис қилишда деган умидданам.

– Мазмунли суҳбат учун ташаккур.

“O'zbekiston bunyodkori” мухбири
Наргиза МИРҲУБОВА
ёзиб олди.

Кўприклар – қадриятлар риштаси



Мухиддин МАҒЗУМОВ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Мамлакатимизда ҳудудларни обод қилиш, қишлоқ ва маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, хусусан, жойларда ички йўллар, ичимлик сув, электр энергияси ва газ таъминотини, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва бошқа соҳа объектларини яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад эса аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратишдир.

Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллаларда инфратузилмани янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 408-сонли қарори ижроси доирасида Наманган вилоятида маҳаллаларда инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ишчи гуруҳлар тузилди. Ечимини қутаётган муаммолар аҳолининг фикр-мулоҳазалари асосида тизимли ўрганилиб, режа-жадваллар тасдиқланди. Амалга

ошириладиган ишларнинг лойиҳа-сметта ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва давлат экспертизасидан ўтказилди. Бундай кенг қўламли бунёдкорликлар учун зарур харажатлар “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” жамғармалари ҳисобидан молиялаштирилди. Хусусан, мазкур дастурлар доирасида Мингбулоқ туманида 20 та маҳаллада 27 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга ошириш режасига биноан,

“Шаффоф қурилиш” электрон платформаси орқали тендер савдолари эълон қилинди. Бажарилаётган ишлар юзасидан биргина “Чордона” МФЙ мисолида сўз юридадиган бўлсак, ушбу ҳудуддан оқиб ўтувчи Зардарё (Охунбобоев) каналига Меҳршоҳ ва Соё буйи кўчасини боғловчи, умумий қиймати 7,3 миллиард сўм бўлган 3 та кўприк “Наманган вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи” ДУК буюртмачилигида қурилмоқда.

– Тендерда ғолиб бўлди ва шу йилнинг февраль ойида кўприкларни қуришга киришдик, – деди “401-ХММКК” МЧЖ иш юритувчиси Мухиддин Раҳмонкулович. – Бу ишларга 20 нафар мутахассис-ишчи, 3 нафар муҳандис-техник ходим ва ўндан зиёд махсус техника жалб қилинган. Ҳар бирининг узунлиги 43, эни 12 метр бўлган 3 та кўприкнинг юк кўтариш оғирлиги 60 тоннага тенг. Деярли барча темир-бетон ашёлари ўзимизда ишлаб чиқарилади. Устун ва плита каби бошқа зарур қисмлар эса республикадаги етакчи корхоналардан оламиз. Лойиҳа бўйича босқич-мабосқич устунларни ўрнатиш ва бетон

қуйиш ишлари рисоладагидек кетяпти. Кўприкни битказиш муддати 130 кун ва ҳозирда жараённи белгиланган вақтида ҳамда сифатли яқунлаш учун астойдил меҳнат қилаямиз.

– Аввалги эски кўприклар яроқсиз ҳолатда бўлиб, ҳатто юк машинасини ҳам кўтаролмай фожиали воқеалар содир бўлганди, – деди “Чордона” МФЙ раиси Аҳроржон Ортиқов. – Халқимизда кўприк қурилишига савоби улуг бўлган эзгу амал сифатида қаралади. Чунки одамларнинг ўзаро борди-келдида, узоқининг яқин бўлишида кўприкнинг аҳамияти катта. Айниқса, шахсий ва юк ташийдиган оғир транспортлар қатновида бу иншоотнинг қулайлиги янада кўпроқ намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан, маҳалламиз аҳли замон талабига монанд кўприк қурилаётганидан жуда мамнун.

Бир сўз билан айтганда, қурилаётган кўприклар халқимиз фаровонлигини бундан-да юксалтириб, одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат, хайру саховат ва ўзаро ҳамжиҳатлик ҳамда ақдиллик ришталарини янада муस्ताҳкамлаш шубҳасиз.

Реновация дастурлари ижроси ўрганилди



Мамлакатимиз Президентининг 2018 йил 28 декабр кунин Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномасида аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, уларни муносиб турар жой билан таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш каби масалаларга эътибор қаратилган эди. Хусусан, юртимиздаги мавжуд 34 мингдан ортиқ кўп қаватли уйларнинг аниқ ҳолатини тўлиқ ҳатловдан ўтказиш, дунёдаги йирик мегаполисларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганган ҳолда реновация дастурини, яъни, эскириб қолган кўп қаватли уйлар ўрнида замонавий шароитга эга бўлган янги уй-жойлар қуриш дастурини ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланган эди.

Шундан келиб чиқиб, Бухоро шаҳрида ҳам 2018 – 2021 йиллар давомида реновация асосида кўп қаватли уй-жойлар қуриб фойдаланишга топширилди. Уйлар олдида болалар ўйингоҳлари, спорт майдончалари, автотурагоҳлар ташкил этилди. Йўлақлар асфальтланиб, кўчаларга чироқлар ўрнатилди. Аҳоли яшаш хонадонларининг кўркам қиёфа касб этиши, фаровон турмуш учун барча қулайликларнинг яратилиши фуқароларимиз кўнглида эртанги кунга янада ишонч пайдо қилгани шубҳасиз.

Албатта, бу жараёнда қурилиш ташкилотларидан катта масъулият талаб этилади. Зеро, қурилиш иш-

ларнинг сифатли амалга оширилиши, белгиланган ишлар охиригача етказилиши ва вақтида тугалланиши энг муҳим омиллардан. Ақс ҳолда, аҳолининг турли эътирозлари, низолар ва кўпгина тўшунмовчиликлар келиб чиқиши мумкин. Шу боис, вилоят ҳокими Ботир Зарипов вилоят ва Бухоро шаҳри сектор раҳбарлари, тегишли ташкилот ва идоралар мутасаддилари иштирокида Бухоро шаҳрида ўтган йиллар давомида реновация дастури асосида қуриб, фойдаланишга топширилиши лозим бўлган иншоотларда бўлиб, уй-жойлар қурилишига дахлдор дўч келинаётган муаммоларни манзилли ўрганди.

Маълумотларга кўра, Бухоро шаҳрида ҳар бирида ўттизга яқин оила истиқомат қилган 69 та эскирган ва яшаш учун хавфли деб топилган 2 ва 3 қаватли турар жойлар ўрнида замонавий услубларда 5 ва 7 қаватли уйлар қурилишига киришилган. Утган давр мобайнида Низомий номи, “Наврўз”, Ибн Сино номи, Фуқрат номи ҳамда Ж. Икромий номи МФЙ ҳудудларида замонавий лойиҳалар асосида 26 та (378 та хонадон, 73 та нотураб объектлар) кўп қаватли уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилган. Қолган кўп қаватли уй-жойларнинг белгиланган муддатларда, сифатли қурилиши ва фойдаланишга топширилиши вилоят ҳокими, прокуратура, ички ишлар ва солиқ бошқармаси бошлиқлари томонидан алоҳида назоратга олинди, қурилиш ишларини яқунлаш бўйича режа-графиклар ишлаб чиқилган.

Ўрганишлар Отабой Эшонов, Ҳамза, Иброҳим Мўминов, Исом Каримов, Садриддин Айний кўчалари бўйлаб давом этди. Яқунда вилоят раҳбари томонидан қурилиш ташкилотларининг масъул мутасаддилари зиммасига реновация асосида қурилаётган уйларда муҳандислик-коммуникация тармоқларига доир зарур инфратузилмани яратиш, атрофини ободонлаштириш ва кўкalamзорлаштириш билан боғлиқ қатор вазифалар ҳам юклатилди.

Ўз мухбиримиз.

Сирдарёда йирик лойиҳалар амалга оширилади

Мамлакатимизда йил сайин қурилиш материаллари соҳасида йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, янги қувватлар яратилмоқда. Хусусан, Сирдарё вилоятида ҳам қурилиш материаллари сановати тараққий этиб бормоқда. Кўплаб сановат корхоналари фойдаланишга топширилиши натижасида янги иш ўринлари яратилиб, ҳудуднинг иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин эгалламоқда.

Хусусан, вилоятда 2023 йилда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш мақсадида қиймати 48,1 млн АҚШ доллари бўлган 58 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 670 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Сирдарё туманида 10 та (қиймати 32 млн АҚШ доллари), Ховос туманида 8 та (қиймати 6,7 млн АҚШ доллари), Янгиер шаҳрида 3 та (қиймати 2,5 млн АҚШ доллари), Сайхунобод туманида 5 та (қиймати 4 млн АҚШ доллари), Мирзаобод туманида эса 3 та лойиҳа (қиймати 1,3 млн АҚШ доллари) амалга оширилди.

Маълумотларга кўра, 2022 йилда вилоятда қиймати 44,3 млн АҚШ доллари бўлган 52 та инвестиция лойиҳалари ишга туширилиб, 985 та янги иш ўрни яратилган. Мисол учун, 2022 йилда Сайхунобод туманида “Tashkent city gold block” МЧЖ ХК томонидан йиллик 400 минг куб метр газобетон блоклари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган лойиҳа ишга туширилди. Сирдарё вилояти бўйича 2022 йилда жами қиймати 25,2 млн АҚШ долларлик қурилиш материаллари экспорт қилинган.

Хусусан, 10,7 млн АҚШ доллари керамик плиткалар, 7,4 минг АҚШ доллари металл буюмлар, 1,0 млн АҚШ доллари ДСП, МДФ плиталар, 740 минг АҚШ доллари ПВХ қувур ва фитинглар қўшни давлатларга етказилди. Сирдарё вилоятининг мавжуд хомашё захиралари Боёвут, Гулистон, Сайхунобод, Сирдарё ва Ховос туманлари ҳиссасига тўғри келади. Хусусан, 4 269 тонна цемент хомашёси, 11 395 минг куб метр гишт черепица, 10 645 минг метр қўм-шағал аралашмаси мавжуд.

Вилоятда хомашё захирасидан келиб чиққан ҳолда инвестиция лойиҳалари амалга оширилади. Ҳозирда хомашё захирасидан келиб чиққан ҳолда инвестиция лойиҳалари амалга оширилади. Ҳозирда хомашё захирасидан келиб чиққан ҳолда инвестиция лойиҳалари амалга оширилади.

Ўз мухбиримиз.

18
АПРЕЛЬ

УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҶАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Мақсадимиз – халқимизни муносиб турмуш шароити билан таъминлаш

1-бет

Айниқса, ўтган йили Вазирлар Маҳкамасининг "Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объекти ва кўп қаватли уй-жой фондини 2022/2023 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, коммунал соҳадаги кўплаб ислохотларга замин ҳозирлаганини алоҳида таъкидлаш лозим. Кўп қаватли уйлар қурилишининг жадал суръатда ўсиб бораётгани соҳада замон талаблари асосида чуқур ислохотларни амалга оширишни талаб қилмоқда. Шу маънода, дунё таърибасидан келиб чиққан ҳолда соҳа бозорига профессионал бошқарув сервис компаниялари кириб келди. Уларга аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш тизимини самарали ташкил этиш асосида қатор имтиёз ва кафолатлар берилди. Уйларни бошқариш соҳасидаги рақобат муҳитини яратиш ва пировардида аҳолининг муносиб турмуш шароитларда яшашини таъминлаш мақсадида бошқарув компаниялар томонидан қўшимча сервис хизматлар бозори яратилди.

Бугунги кунга келиб, республикада жами 800 га яқин бошқарув сервис компа-

нияси фаолияти йўлга қўйилди. Эътиборлиси, ўтган қисқа даврда мамлакатимиздаги мавжуд 40 631 та кўп қаватли уйнинг 90 фоизига ушбу бошқарув ташкилотлари томонидан хизмат кўрсатила бошланди. Бошқарув компаниялари ҳозирга қадар уйларни таъмирлаш, худудларнинг инфра-тузилмасини яхшилаш, моддий-техник базасини шакллантиришга ўз ҳисобидан 268 млрд сўмдан ортқ инвестиция маблағларини киритди. Сўнгги 6 йил давомида кўп қаватли уй-жой фондини куз-қиш мавсумига тайёрлаш дастурлари доирасида жами 2 трлн 270 млрд сўм маблағ ҳисобидан 31 000 та уй мукамал ёки жорий таъмирланди ҳамда 1 114 та лифт ускуналари янгисига алмаштирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жорий йил киш мавсумида қузилган энергия тақчиллиги барчани мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишга ундамоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, пойтахтимиздаги 1 825 та кўп қаватли уйнинг ички муҳандислик тармоқларини таъмирлаш учун республика ва маҳаллий бюджетдан 200 млрд сўм маблағ жабб қилиниши белгиланди ва ҳозирда таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда марказлашган ичимлик суви таъминоти

ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматлари билан қамраб олинганлик даражасини ошириш ва шу тариқа аҳолига муносиб турмуш шароитларини яратиш мақсадида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, сўнгги 6 йилда аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшилашга 10 трлн сўмга яқин маблағ йўналтирилди. Ушбу маблағлар ҳисобидан 1 176 та сув иншооти ва 20,8 минг километр узунликдаги ичимлик суви тармоқлари тортилди. Натижада республика аҳолисининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 2017 йилда 63,9 фоизни ташкил этган бўлса, бугунга келиб ушбу кўрсаткич 74,4 фоизга етказилди.

Ушбу давр мобайнида 8,2 миллион нафар аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминлангани, 4,8 миллион нафар аҳолининг эса ичимлик суви таъминоти яхшиланиши, албатта, катта ютуқлардан бири. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш йўналишидаги ишларимиз кенг қўламли давом этмоқда. Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясига мувофиқ, 2026 йлга келиб, республика аҳолисининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини 90 фоизга, оқова сув хизматлари билан

қамраб олинганлик даражасини эса 35 фоизга етказишни режалаштирганмиз. Бу ишлар учун 40 триллион сўм инвестиция жалб қилиш кўзда тутилган.

Таъкидлаш лозимки, иссиқлик таъминоти соҳасида ҳам кейинги йилларда салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, республика бюджетни маблағлари ҳисобидан, шунингдек, Оролбўйи минтақасини ривожлантириш дастури доирасида 50 дан ортқ марказий ва маҳаллий қозонхоналар ҳамда 132, 2 километр узунликдаги иссиқлик қувурлари модернизация қилинди. Натижада 45 721 та қозондондан иборат 1 069 та кўп қаватли уй ва 143 та ижтимоий соҳа объекти иссиқлик энергияси билан таъминланди.

Хусусан, Тошкент вилоятидаги 7 та шаҳар ва 15 та туман марказларида иссиқлик энергияси таъминотини тиклаш лойиҳаси натижасида 868 та кўп қаватли уй ва 42 та ижтимоий соҳа объекти иссиқлик таъминотига эга бўлди. Шунингдек, Жаҳон банки иштирокидаги "Андижон, Чирчиқ, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент (ТЦ-8) шаҳарларида марказлашган иссиқлик тармоқларини реконструкция қилиш ва энергия самардорлигини ошириш" лойиҳаси доирасида Инвестиция дастурига мувофиқ 2022 йилда 47,6 млн

АҚШ доллари (100,2 фоиз) миқдоридagi маблағлар ўзлаштирилди. Ўзлаштирилган маблағлар ҳисобидан Андижон, Бухоро, Чирчиқ шаҳарларида 75 МВт қозонхонани модернизация қилиш, 3 та 25 МВтли янги замонавий қозонлар ва ёрдამчи қурилмалар ўрнатиш, 5 км узунликдаги иссиқлик тармоқлари алмаштириш, 320 та индивидуал иссиқлик шохбачалари ўрнатиш ишлари олиб борилди.

Жорий йилда республика бюджетни маблағлари ҳисобидан иссиқлик таъминоти объектиларини қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш учун 250 млрд сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Мазкур лойиҳага кўра, 5 та қозонхона ва 23 километр узунликдаги иссиқлик тармоқлари янгидан қурилади, 247 та индивидуал иссиқлик пунктлари ўрнатилади, 9 та қозонхона ва 96 километр узунликдаги иссиқлик тармоқларида реконструкция ва модернизация ишлари амалга оширилади.

Бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда рақамлаштириш барча иқтисодиёт тармоқларига кириб келмоқда. Коммунал соҳа ҳам бундан мустасно эмас. Соҳада ахборот-коммуникация технологиялари самарали жорий этилиб, "Менинг уйим" биллинг тизими ишга туширилди.

Тизим бошқарув органларининг ягона, очик ёшқаруш маълумотлар базасини шакллантириш, мулкдорлар маблағидан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш, кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини ошириш, уларнинг талаб ва меъёрларга адал қилинишини назорат қилди. "Менинг уйим" биллинг тизимида бугунги кунга қадар тизимда жами 1,3 млн. дан зиёд абонент маълумотлари шакллантирилди. Бунда хонадонлар мулкдорларга бошқариш органлари томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида хизматлар электрон шаклда ва онлайн режимида тақдим этилмоқда.

Коммунал тизим доимий эътиборни талаб қиладиган соҳа ҳисобланади. Бу соҳада фаолият юритаётган ходимлардан ҳам шунга мос равишда катта масъулият ва жонбошлик талаб қилинади. Уларнинг мақсади эса битта – аҳолини муносиб турмуш шароити билан таъминлаш. Юртимизда 18 апрель – Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари кунини сифатида нишонланиши эса заҳматқаш соҳа вакилларига бўлган эътиборнинг бир нишонасидир. Биз ҳам барча коммунал соҳа ходимларини бугунги касб байрами билан табриклаб, келгусидаги ишларига ривож тилаймиз.

Энди кўп қаватли уйларнинг ҳам ўз эгаси бор

Энн СИРОЖ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Яқинда кўп қаватли уйда бирга яшаган собиқ кўшимчи йўқлаб, ҳовлисидан бўлдим. Ўтмишни эслаб, кўп гурунглашдик.



– Ҳовли жой барибир яхши экан, – деди у мамнун ҳолда. – Кўп қаватли уйда яшаган пайтларимни уйла-сам, умрим ширкатга пул тўлаш билан ўтиб кетганига ачинаман. Хар икки-уч йилда ширкат алмашаверан, суриштирсак, раҳбари тўловдан ундирилган пулни чўнтагига солиб, ширкатни ёпаркану, ўзи гоийб бўларкан. Энг ёмони, турар жойимизнинг барча харажатлари яна ўзимизга қоларди. Шунича маблағимиз кўкка соғурилди... Собиқ кўшимчининг гапида жон бор. Каталадек хонада жойлашган, нари борса икки-уч кишидан иборат ходимига эга, на асбоб-ускунаси, на ишчи бўлган ширкатлар фаолияти афсуски, натижа бермади. Бироқ, энди у замонлар ортда қолди, десак бўлаверарди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 19 июндаги "Кўп қаватли уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори эълон қилинганча, бу борадаги ўзгаришлар кўзга яққол ташлана бошлади. Бунда хорж таърибасини мамлакатимиз хусусиятига уйғунлаштирган ҳолда жорий этилган янгича тизим аҳоли томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда.

Мисол учун, Андижон шаҳрида фаолият юритаётган "Шинам маҳалла" бошқарув сервис компанияси тез фурсатда маҳалла аҳолини ишончини оқлашга улгурди.

– Президентимизнинг ушбу қарори ижросини таъминлаш доирасида Россия таърибасидан келиб чиққан ҳолда ўз компаниясини ташкил этдик, – деди компания ижрочи директори Авазбек Мансурхўжаев. – Дастлаб, Андижон шаҳридаги "Ейилма" ҳамда "Соғлом авлод" МФИда жойлашган кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатишни бошладик. Уша пайтда жамоамиз уста, пайвандчи, сувсос каби 15 нафар мутахассисдан иборат эди. Биз катта шижоат билан ишга киришдик, бироқ аҳолида ишонсизлик мавжуд эди. Боиси, ширкатлар тизими ўзини оқламаган, одамлар бемақсад тўловдан чарчаганди. Шу боис, тўлов ундиришдан кўра ўз хизматимизни юзага чиқаришни муҳим вазифа, деб билдик. Энг аввало, уй эгаларини кўчаларни суғуриш, тозалаш каби юмушлардан холи қилдик. Фаррошларимиз хатто уйларнинг кириш йўлакларигача суғуриб, тозалаб

қўядиган бўлишди. Қаровсиз майдонларда гулзор ва томорка барпо этдик. Киннинг хонадонига муаммо туғилса, беғул хизмат кўрсатдик. Шу тариқа маҳалла-дошларнинг ишончини қозондик.

Ҳозирда ушбу компания 140 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатмоқда. Манзилдаги 70 фоиз хонадонда истиқомат қилувчи аҳоли компания билан ихтиёрий равишда шартнома тузган. Бугунга келиб қўшни худудларда жойлашган кўп қаватли уйлардаги яна 300 та оила соҳиблари шартнома тузиш таклифини билдирган. Қувонарлиси шундаки, яқин атрофдаги ҳовли хай эгалари ҳам компания хизматидан фойдаланишни бошлади.

– Аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш учун 24 соат давомида узлуксиз ишлайдиган диспетчерлик хизмати ва таъмирлаш гуруҳига эгамиз, – дея суҳбатда давом этади Авазбек Мансурхўжаев. – Аҳолидан ундириладиган тўлов харажатлари "Биллинг" тизими орқали бошқарилади. Бунда аҳолининг ўзи ҳам тўлов маблағларининг нимага сарфланаётганини телефон воситаси орқали назорат қилиб бориш имконига эга. Ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида мавсумий ишчилар билан ҳисоблаганда 80 нафарга яқин жамоамиз аъзолари мавжуд. Улар иштирокида истеъмолчиларга 10 дан зиёд хизмат турларини кўрсатиб келямиз. Компаниямиз мулк эгаларининг шахсий юмушларини пуллик хизмат кўрсатиш орқали бажариш шароитига эга. 2022 йилда 738 млн 640 минг сўмлик қўшимча хизмат кўрсатдик. Бу ҳам фаолиятимизга берилган юқори баҳо, деб биламан.

Компания фаолиятини ўрганиш жараёнида бевосита аҳоли билан ҳам суҳбатда бўлиб, бошқарувнинг янгича тизими ҳақидаги муносабатига қизиқдик. – Хонадонимдаги сув жўмрагида муаммо юзага келди, – деди 55-кўп қаватли уйда истиқомат қилувчи Шарофатхон Ахмадалиева. – Амалдаги тартибларга биноан, бундай пайтда ўз маблағим ҳисобига уста ёллашим керак. Энди тасаввур қилинг, уймиде сув тошпапти, мен уста топгунимча у қўшни хонадонларга ҳам оқиб тушади. Нима қилишни билмай қолдим. "Шинам маҳалла" компаниясининг диспетчерлик хизматига зудлик билан кўнғироқ қилиб, ёрдამ сўрадим. Санокли дақиқалар ичиде усталар тошайтган сувни тўхтапти беришди. Энг қизиғи, хонадонлар ичидеги фавкуллатда вазиятларни вақтинча тўхтатиб туриш учун хизмат ҳақи олинмас экан. Бундан ташқари, компания ташқаридаги усталарга нисбатан 50 фоиз арзон нархда хизмат кўрсатар экан. Шундан буён фақат "Шинам маҳалла" хизматидан фойдаланиб келяман.

Ҳозирда Андижон вилоятида 1822 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, уларга 20 та бошқарув сервис компанияси хизмат кўрсатиб келмоқда. Айни пайтда 501 та турар жойда компаниялар томонидан таъмирлаш ишлари олиб борилляпти. Аҳолига 10 дан зиёд беғул ва 40 га яқин пуллик хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган. Шу кунгача вилоят бўйича 3 млрд 200 млн сўмлик қўшимча хизмат кўрсатилганининг ўзиёқ янгича тизим аҳоли томонидан маъқулланётганининг исботидир. Энг муҳими, кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиш сифати ошиб, бўш майдонлар бог-роғга айлантирилди. Покиза ва файзли манзиллар энди кўп қаватли уйларнинг ҳам ўз эгаси борлигидан далолатдир.

Ҳа айтганча, боғи қўшим бу ҳақида эшитган, бошқарув сервис компанияси билан шартнома тузишга қарор қилди...

Камтарлик билан халққа хизмат қилаётганлар

Адхам ЭГАМБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Чилонзор туманидаги кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолига хизмат кўрсатиб келаётган бошқарув сервис компаниясидаман. Коммунал тўловларни тўлаётган одамлар, уларнинг кўзлариде қувонч, бир-бирини елкасига қоқиб, меҳр улашаётган қўшнилари. Уларга боқиб, хаёлимдан "Нега бу ерда жанжал йўқ? Нега улар бунча эркин, бунчалар ахил?" деган фикр ўтди. Жавоб битта! Бу ерда аҳолини ҳурмат қиладиган, уларнинг муаммоларини оғринмасдан ҳал қилиб берадиган яхши инсонлар ишлайди. Мен бу ерда ким ишчию, ким раҳбар эканини билишга қийналдим, ростки.

Тавakkal, улардан бирини суҳбатга тордим.

Чилонзор туманидаги "Мохи-нур-коммунал" БСҚда оддий пайвандчи бўлиб ишлайдиган Хушбоқ Мирзаев 1970 йил Сурхондарё вилоятида туғилган. Тақдир тақозоси билан Тошкентга ўқишга келиб, шу ерда умрбод қолиб кетган. У кишидан нега айнан шу касбни танлагани ҳақида сўраганимда, ўқишга кириб, ижарадон ширкатлари орқали "Россельмаш" заводига ишга киргани, у ерда пайвандлаш хунарини эгаллагани ҳақида гапириб берди. 1998-1999 йилларда заводлар фаолияти тугай бошлагач, коммунал соҳада пайвандлаш йўналишида эҳтиёж кўпроқлигини билиб шу ердан иш қайтариб топди. Шу тариқа қаҳрамонимиз коммунал соҳага кириб келади.

Коммунал соҳа кўпроқ коммуникативликини талаб қиладди. Унда ҳамиша одамлар билан бевосита мулоқот қиласиз, турли характери инсонлар билан муносабатда бўласиз. Хушбоқ акадан фаолияти ҳақида гапириб беришини сўраганимизда шундай жавоб берди:

– Биласизми, одамлар билан ишлаш осон эмас, айниқса, бизни соҳада сабр ва бо-сиқлик жуда муҳим. Базан қаққирилган жойга бироз кечикиб борсак, бақириб, ҳақоратлаб кетадиганлар ҳам бўлади. Бундай вазиятда оғир-босиқ одам ютади. Бир шеригим бундай ҳолда зўр усулни қўларди. Жаҳли чиқиб, бақираётган одамга "Ассалому алайкум" дерди. Яна бақирса, яна салом берарди. Токи, тинчланиб олгунимча бу сўзни айтишдан чарчамасди. Охири ўша инсон ҳам тинчланиб, яхши муомалага келиб қоларди. Агар баравар тортисангиз, жанжал катта бўлиб кетади. Умуман, жуда қушқондан чиқиб кетадиганлар олдида сукут сақлашга урганганмиз.

Иш жараёнида турли вазиятларга дуч келамиз. Бир сафар навбатчилигимиздаги йилгитлар битта хонадон қувурини қайта-қайта тозалашганига қарамай, ишни кўнғилдагидек охирига етказиб олишмади. Охири, ўзим боришимга тўғри келди. Қарасам, қувур тўлиб қолаётган экан. Тепада айландиган рус аёл домни бошига кўтариб, бу ишда бизни укувсизликда айбларди. Унга эътироз билдириб, ҳамма бир-дай одам, билмасдан гапириб нотўғри эканини айтдим. Қувурни тозалаш учун трос тиқиб, секин тортиб олсам, ҳамён илакишиб чикса бўладими?

Ичиде пластик карта ва пул бор. Қарасак, ҳамён бояги рус аёлники бўлиб чиқди. Бир ой олдин йўқотган экан. Бир оз олдин шовқин кўтариб, бақириб турган аёл жим бўлиб қолди. Секингина раҳмат айтди, холос.

Хушбоқ аканинг ҳиқоясини тинглаб, унинг қалби соф, ҳалол ва меҳнатқаш инсон эканини сездик. У киши каби бир умр ҳалол меҳнат билан фарзандларини боқиб, тарбиялаб келаётган ишчилар бўлган юртимизда кўплаб топилди. Ташқаридан қараганда улар жуда оддий инсонлар. Аммо яқиндан суҳбатлашсангиз, қар бирининг ўзига хос тақдир йўли борлигини англайсиз.

– Базан бу касбни танлаганимдан, энг оддий соҳада ишлашимдан фарзандларим ўртоқларини ёнида мендан уялмасмикан, деб уйлаб қолсам, – деди қаҳрамонимиз. – Қизимдан бу ҳақда сўраганимда, у "Сиздай ҳалол, меҳрибон отамдан ҳам уяламани?" деб жавоб берганди. Тасаввур қилинг, хар қандай отага бундан ортқ бахт керак эмас, менимча. Чин инсон бўлиш қиядиган кийим ёки қиладиган ишга боғлиқ эмас, деб уйлайман. Инсон энг аввало, касбини, оиласини, ватанини севиши лозим. Чин инсонлик шунда намоеён бўлади...

Шу пайт Хушбоқ акани ҳамкасбларидан бири йўқлаб келди. Уларнинг суҳбатидан билдимки, опа компания раҳбарининг ўринбосари экан.

– Опам коммунал соҳада ишлагани учун мени ҳам ишга таклиф қилди, – дея суҳбатга киришди Минавар Қасимова. – Коммунал соҳадаги илк ишимни кўча фаррошларга назоратчи сифатида бошлаганман. Кейинроқ ишим ўзимга ёқа бошлади, оддийгина юмуш қилсангиз ҳам сизга кўп миннатдорлик билдиришарди. Оддий инсонлар билан яқинлик ҳисси менга куч бағишларди. Шу боис, танлаган соҳамни пухта эгаллашга ҳаракат қилдим. Коммунал соҳадаги барча юмушларни бажариб чиқдим, десам хато бўлмайди. Агар яна танлаш имкони берилса, мен албатта шу соҳани танлаган бўлардим.

Опанинг меҳнатқашлиги, ўзига берилган вазифани чин дилдан бажарагунича кўнғили жойига тушмаслигини у билан бир оғиз суҳбатлашган киши яққол англайди. Бундай оққўнғил инсонларни эса хафа қилиш осон. Айниқса, коммунал соҳада ишлаётган аёлларга икки баробар қийин вазиятдан қис туфайли чиқиб кетиши, жуда ёқимли. Унинг бир оғиз "раҳмат" деган сўзю миннатдор нигоҳиданоқ барча чарчоғимизни унутамиз. Кунни кеча машинани деворга такаб қўйишмасин деган мақсадда оддий бетон бўлагини дераза тагига ўрнатдик. Энди ўша уй эгасининг хурсандчилигини кўрсангиз эди. Бундай вазиятлар жуда кўп бўлади. Инсонларга фойдам тегишидан роҳатланаман. Ҳаётим мазмунли шу.

Дарҳақиқат, қаҳрамонларимизга қараб, фидоий ва яхши одамлар ҳамон борлигидан хурсанд бўлдик. Ҳаммамиз ўз бахтимизни нималар биландир ўлчаймиз. Базан оддий буюмлар билан бахтга баҳо берамиз. Лекин Хушбоқ ака ва Минавар опа сингари камтарлик билан халққа хизмат қилиш бахти барчага бирдек насиб этавермаслигини хар доим ҳам уйлаб кўравермаймиз...



Соғлом фарзанд – оила қувончи, Ватан ва жамият таянчи

Илҳом КАРИМЖОНОВ, ТТА Оилавий тиббиётда болалар касалликлари кафедраси мудири, профессор. Азиза ГАЗИЕВА, кафедра ассистенти.

Шу кунларда кенг жамоатчилик Ватанимизнинг тақдири ва келажаги, миллий тараққиётимиз учун гоят муҳим аҳамиятга эга бўлган янгиланаётган Конституция лойиҳаси билан танишмоқда.

Маълумки, бугун соғлиқни сақлаш, тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислохотлар негизда инсон саломатлиги, унинг соғлом турмуш кечириши ва бунинг учун, соғлом турмуш тарзини яратиш масаласи долзарб масалалардан ҳисобланади ва амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий марказида туради.

Таъкидлаш жоизки, яқинда юртдошларимиз референдумда овоз бердиган Асосий қонун матнида аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар 4 баробар кўпайтирилмоқда. Бу аҳоли соғлиғини ишончли муҳофаза этиш ҳамда оналар ва болалар ўлими, юкумли касалликлар таҳдидини бартараф этишда жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Барчамиз биламизки, фаровон, тинч оилада бола соғлом баркамол топади. Бола саломатлиги – бу жамият тараққиёти, юрт фаровонлиги демекдир. Фарзандлари соғлом юртгина тараққий этади, юксалади. Қачонки, фарзандлар соғлом, баркамол бўлса, шундагина жамиятда маънавий соғлом муҳит юзага келади. Зотан, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти кура оладиган ёшлар, албатта, соғлом ва баркамол бўлишлари керак.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда сифатли тиббиёт тизими мавжудлиги жуда муҳим. Фуқаролар зарур кезларда сифатли тиббий хизмат учун давлатга суяна олиши алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабли Конституциямизда фуқаролар давлат ҳисоби-



дан тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини олишга ҳақли эканлиги бегиланмоқда. Хусусан, жорий йилда “Кафолатланган хизматлар пакети” қайта кўриб чиқилиб, унда 20 турдаги касалликлар бўйича диагностика, даволаш ва профилактика хизматлари ҳажми тўлиқ қамраб олиниши, кўп учрайдиган 20 турдаги касалликлар бўйича бирламчи бўғиндаги бепул анализ турлари – 15 тадан 25 тагача, текширувлар – 10 тадан 20 тагача, до-рилар – 64 тадан 90 тага оширилиши белгиланган.

Бундан ташқари, Конституция-

мизда боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, жисмоний, ақлий, руҳий ривожланишига ва унинг таълим олишига хавф соладиган ҳар қандай мажбурий меҳнатнинг таққилини келажак ривожига ҳам жуда катта ҳисса қўишини алоҳида қайд этиш жоиз.

Янгиланаётган Конституцияга асосан, болаларга 16 ёшдан ишлашга рухсат берилмади. Бунда меҳнат давомийлиги ҳафтасига 36 соатдан ошмаслиги белгиланган. Тўғри, 15 ёшдан ёки ундан кичик ёшда ҳам ишлаш мумкин. Бироқ бундан ҳам ўз чегаралари бор. Масалан, 16 ёшдан

кичик болаларни ота-оналарининг ёзма розилиги билан маданий томоша тадбирларида, иждоий жараёнларда меҳнат қилиши мумкин.

Аммо у қандайлиги, яъни оғирми ёки енгил меҳнатлиги, албатта, эътибор қаратишимиз лозим. Масалан, боланинг хавфли ишларда ишлаши тақиқланади. Бугунги кунда 18 ёшгача бўлган, вояга етмаган болаларнинг хавфли ишларда ишлаши тақиқлаш бўйича 8 мингдан ортиқ рўйхат тасдиқланган. Шулардан, юк кўтариш билан боғлиқ ишлар киради.

Таъкидлаш жоизки, боланинг саломатлиги кўп жиҳатдан ташқи ва ички омилларга ҳам боғлиқ. Ташқи омилларга ота-она, маҳалла, атроф-муҳит ва ўзаро муносабатлар киради ва бу боланинг шаклланишига таъсир кўрсатади. Насл, ирсият, руҳий ҳолатни эса, боланинг туғилиш ва яшаш жараёнига таъсир кўрсатувчи ички омиллар сифатида баҳолаш мумкин. Аслида, ҳар икки жиҳат ҳам, боланинг етук шахс сифатида шаклланишига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллар бўлиб хизмат қилади.

Хулоса ўрнида, юртимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги жуда кўплаб хайрли ишлар замирида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом улғайтириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажакини кўриш орузси ётибди.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI REFERENDUMI 2023

Янгиланаётган Конституция:

ЎЗБЕКISTON – ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ

- Давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқарттириш чораларини кўради.
- Ҳар ким энг кам ойлик маошидан паст бўлмаган миқдорда адолатли ҳақ олиш ҳуқуқига эга.
- Ҳар ким меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизликда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.
- Нафақалар ва ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари энг кам истезмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмас.
- Ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга.
- Фуқароларга тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми бепул кўрсатилади.
- Ёлғаниб ишловчиларга ҳар йилги ҳақ тўланадиган меҳнат таътилидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA
ЎЗБЕКISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров (Тахрир хайъати раиси), Шерзод Хидоятлов, Давронжон Адилов, Жалол Арашов, Козим Туляганов, Юлдаш Мағрупов, Жамшид Исмаилов, Бобир Элмуродов, Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Ҳўжаева**
Саҳифаловчи **Акмал Маккамов**
Мусахҳиҳ **Марҳамат Мусулмонкулова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» **НАШИРЁТ УЙИ МЧЖ** томонидан нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ» **НАШИРЁТ УЙИ МЧЖ** МАУССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАСҲЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100035, Тошкент шаҳри, Ниязбек йўли кўчаси, 1-уй.
Телефонлар: 71-234-47-18 (қабулхона), 71-234-47-19 (таҳририят), 71-234-47-20 (бухгалтерия), 71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ

ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23, 90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-437. 1749 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган кўпмаъража тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.


КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир – Р. Ҳўжаева.

Навбатчи – А. Ҳақбердиев.

ЎА яқуни – 21.23.
Топширилди – 21.50. 12 3 4 5 6

Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилар учун электрон кутубхона яратилди



“ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази ҳузурида ташкил этилган “Тадбиркорлар мактаби” фаолияти ҳар томонлама такомиллаштирилмоқда. Яқинда “Тадбиркорлар мактаби” ўқув маркази томонидан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасига оид адабиётларни ягона базада жамловчи books.tadbirkormaktab.uz платформаси ишга туширилди.

Электрон кутубхона ўқув маркази тингловчиларига қулайлик яратиш мақсадида ташкил этилиб, унда сўнгги йилларда чоп этилган адабиётлар ягона базада жамланган. Шунингдек, унга қурилиш материаллари ва уларни ишлаб чиқаришга оид ўзбек ва рус тилидаги 2 мингга яқин адабиётлар юкланмоқда. Кутубхона фонди босқичма-босқич тўлдириб борилади.

Электрон кутубхонадан фойдаланиш ҳар томонлама қулай бўлиши

учун платформа функциялари содда-лаштирилган тарзда ишлаб чиқилди. Адабиётлар, дарсликлар, илмий мақолалар, монографиялар, диссертациялар, журналлар каби муҳим бўлиmlар платформанинг асосий саҳифасига жойлаштирилди. Электрон кутубхонада OECD-iLibrary, EBSCO Publications, Report Linker каби халқаро манбааларга боғлиқ имконияти ҳам мавжуд.

Ўз муҳбиримиз.

Туғилган кунингиз муборақ бўлсин!

Апрель ойининг шу ҳафтасида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги матбуот хизмати бош мутахассиси **Чарос Садинова**, Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси Бош режаларни ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Зебунисо Юсупова**,

“Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ муҳбири **Абдумуталиб Уктамов**,

“Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ бош лойиҳа кидирув институти бош директорининг биринчи ўринбосари **Икром Мурадов**,

Бухоро вилояти, Шофиркон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Руслан Икромов**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги раҳбар котиби **Зульфия Каипназарова**,

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси етакчи мутахассислари **Мирақил Ҳабибов**, **Равшан Талипов**, бўлим бошлиғи **Аброр Бойбусинов**,

Хоразм вилояти, Гурлан тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Тоҳир Ибрагимов**, Янгибозор тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектори **Сардор Ражабов**,

Бухоро шаҳридаги “Sity-Senter” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Бахшullo Шукруллаев**,

Қарши шаҳридаги “Лочин-Санжар Бошқарув компания” МЧЖ бош директори **Хусниддин Ибодов**,

Навоий шаҳридаги “Kamunalchi Diamond Servis” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Сайдуллохон Мўйдинов**,

Самарқанд вилояти, Каттақўрғон туманидаги “Бошқарув Сервис Компания” МЧЖ бош директори **Наврўз Қосимов**,

Тошкент вилояти, Янгийўл туманидаги “Мумтоз сервис Янгийўл тумани” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Нигора Абдувалиева**,

Фарғона вилояти, Бувайда туманидаги “АХС Соф Сервис” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Хуришбек Абдулахатов**, Ўзбекистон туманидаги “Yaуpaн 2022 Boshqaruv Tashkiloti” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Сайдуллохон Мўйдинов**,

Тошкент шаҳар, Миробод туманидаги “Izumrud Servis Plus” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Назокатхон Рустамова**, “Servis Uyutniy Dom” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Асқарбек Солибоев**ларни таваллуд кунини билан чин дилдан муборақбод этамиз.

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲҚАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!

“Respublika mulk markazi” МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Чимбой туманидаги “Мурувват” ноғиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар уйининг 2023 йил 17 апрелдаги 58-сонли алоқа хатига асосан, Чимбой тумани, “Тагжап” ОФЙда сақланаётган, 1990 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 374 RAA бўлган, авария ҳолатдаги таъмир-талаб “ЗИЛ-431412” русумли автомашина қўйилади. Бошланғич баҳоси – 6 184 000 сўм.

Аукцион савдо 2023 йил 18 май куни соат 11.00 дан бошлаб Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-“Б” уй манзилида жойлашган “Qoғaqalpoғ mulk markazi” МЧЖ биносидан ўтказилади.

Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: аукцион савдодан бир кун олдин соат 18.00 гача.

Аукцион савдода иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Савдо ғолиби деб топилган шахсларга 20 иш кунини ичидан сотувчи билан олди-сотиш шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан шанба ва яқшанбадан ташқари кунлари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдога қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси “Respublika mulk markazi” МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 7005 7145 2012 АТБ “Давр банк” Олмасор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850 ОКОНХ 84200.

Аукцион савдо ўтказиладиган манзил: Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-“Б” уй.

Тел.: 61-222-84-44.
Расмий сайтими: www.rmm.uz